Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2018-yil 23-yanvar • seshanba • № 10 (3983)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

2017 – 2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор **«Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун»** деган тамойил ва **«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»** деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилишига қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, шунингдек, ҳар бир давлат органида ташкил этилган фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича махсус бўлинмалар аҳоли билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги самарали тизимини шакллантиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси давлат бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, «Электрон ҳукумат» ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш, иқтисодиётга маъмурий таъсирни қисқартириш ҳамда бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, соғлом рақобат муҳити ва қулай инвестиция иқлимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

Суд-ҳуқуқ тизимида судларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизмини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда маъмурий ва иқтисодий судларнинг ташкил этилганлиги одил судловга эришиш даражасини ошириш имконини берди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи 15,7 фоизга камайишига эришилди, 1,2 минг маҳаллаларда бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Илгари, асосан хавфсизликка хавф-хатар ва таҳдидлар оқибатларига қарши курашиш билан чекланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ёндашувлар концептуал қайта кўриб чиқилди. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш орқали одамларнинг онги учун курашиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилаётган, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган даврда 1 243 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

Иқтисодий соҳада кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш ва чет эл ҳамкорларининг даромадларини репатриация қилиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъминловчи миллий валюта эркин конвертациясининг жорий этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди.

Давлат бюджетини шакллантиришнинг тамомила янги принциплари ва механизмлари жорий этилди, унинг даромад ва харажатлари шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга қаратилган ишга солинмаган захиралардан фойдаланиш чоралари кўрилди.

Биринчи босқичда – узоқ муддатли (10-15 йилга мўлжалланган) тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, иккинчи босқичда – тармоқ, ҳудудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини тузиш, учинчи босқичда – ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришнинг мутлақо янги тартиби тасдиқланди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар, биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиғини сақлашни кучайтириш, аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш, арзон ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Шаҳарлар ва қишлоқларда умумий турар жой майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қурилди. Турар жой қурилиши ҳажмлари 2010 йилга нисбатан 3,5 бараварга ошди.

Халқ билан мулоқот натижалари бўйича 11 йиллик умумий ўрта таълимни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди, олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг шаффоф механизмлари жорий этилди ва квоталар жиддий равишда оширилди. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Миллатлараро тинчлик ва тотувликни, пухта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат амалга оширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилганлиги натижасида қўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилди, Марказий Осиё ҳудудида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.

2 ▸

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, белгиланган вазифалар ижроси билан танишиш мақсадида 19-20 январ кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифининг иккинчи куни Жануби-ғарбий махсус округига қарашли ҳарбий қисмда бўлди. Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида берилган вазифалар қандай бажарилаётгани билан танишди. Ҳарбийлар билан мулоқот қилди.

Мамлакатимизда янги таҳрирдаги Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Ундан кўзланган асосий мақсад миллий армиямиз жанговар қудратини ошириш, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини янада мустаҳкамлашдир, деди давлатимиз раҳбари. Доктринада Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқлик тамойили, яқин қўшнилар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини янада мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилди.

Мамлакатимиз геостратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақада юзага келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Қуролли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. Мудофаа вазирлиги қўшинларини қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва алоқа воситаларининг замонавий турлари билан таъминлаш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Ҳарбийларимиз жисмонан бақувват, маънан юксак, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган шахслар бўлиши керак, деди Президентимиз. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимизга муносиб хизмат қилишларингиз лозим, токи ёшларимиз ватанпарварлик ва она юртга садоқат туйғуларида сиздан ўрнак олсин.

Учрашувда ҳарбийларнинг хизмат ва яшаш шароитини яхшилаш, фарзандлари олий ўқув юртларида ўқишида имтиёзлар жорий этиш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишларини янада жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун жойларда ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини такомиллаштириш лозимлиги айтилди. Ҳарбийлар ва уларнинг оилалари учун барча шароит яратиб берилади.

Мамлакатимизда санъат саройлари, театрлар фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги саҳна асарлари яратиш, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Термиз шаҳридаги 700 ўринли замонавий Санъат саройи ҳамда 3 минг ўринга мўлжалланган амфитеатрда «Файз-Бинокор-Олтиариқ» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан 82 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Франция, Англия, Испания, Россия ва Хитойдан келтирилган замонавий овоз ёзиш ҳамда созлаш, ёритиш тизими жиҳозлари, мониторлар ўрнатилди. Санъаткор ва томошабинлар учун барча қулайлик яратилди.

Ҳудуди 32,5 гектар бўлган масканнинг атрофи ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди. Мусиқали фаввора, автомобиллар турадиган жой қурилди, замонавий ёритгичлар ҳамда ўриндиқлар ўрнатилиб, турли дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур маданият масканига таниқли санъаткорларни таклиф қилиб, ҳамкорликда махорат дарслари ўтказиш, «устоз-шогирд» анъанасини янада ривожлантириш, Ҳаким Термизий ва Алпомиш ҳақида спектакллар саҳналаштириш лозимлигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев «Амударё» болалар соғломлаштириш оромгоҳида яратилган шароитлар билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятига аввалги ташрифи чоғида Термиз шаҳрида «Амударё» болалар соғломлаштириш оромгоҳи барпо этиш лойиҳаси билан танишиб, ҳудудда инфратузилма объектларини қўпайтириш бўйича топшириқлар берган эди.

Шунга мувофиқ, Сурхондарё дарёси бўйида 200 ўринли дам олиш маскани қурилиб, ўтган йил ёз мавсумида фойдаланишга топширилди. Оромгоҳда умумтаълим мактабларининг иқтидорли ўқувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, имконияти чекланган болалар дам олдирилиб, соғломлаштирилади.

3 ▸

Қарор ва ижро

Президентимизнинг «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижтимоий ҳимояга, ўзгалар ёрдамига муҳтож инсонларга катта далда бўлмоқда.

Меҳр-мурувват оғушида

Ўтган даврда Самарқанд вилоятида истиқомат қилаётган 2064 та оилага манзилли ёрдам курсатиш режаси ишлаб чиқилди. Унга асосан, 32 нафар уй-жойга эҳтиёжманд оилани янги уйлар билан таъминлаш, 160 хонадонда таъмирлаш ишларини бажариш, 1776 та оилани маиший техника воситалари билан таъминлаш, 96 нафар тиббий ёрдамга муҳтож фуқаролар соғлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш назарда тутилган.

Каттақўрғон туман Пайшанба шаҳарчасидаги Пирмамат Маҳмудовлар хонадонига касаба уюшмалари вакиллари ташрифи ҳам бежизга эмас. Чунки оила бошлиғи бир неча йилдан бери хаста. Ботмонлаб келган дард мисқоллаб кетади деганларидек, бемор вужудини тарк этиши қийин кечяпти.

Шу куни Пастдарғом туманида истиқомат қилувчи Феруз Абдувосиев, Маҳмед Йўлдошев, Каттақўрғон шаҳрида яшовчи Гулнора Жўраеваларга ҳам бепул даволанишлари имконини берувчи сертификатлар топширилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 2018 йил 21 январ куни 25 йил тўлиши муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.

Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг мактубида бундай дейилади: «Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлиши муносабати билан табрикларимни қабул қилгайсиз».

Беларусь раҳбари Беларусь — Ўзбекистон ҳамкорлиги кўплаб муҳим йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этган.

Александр Лукашенко «ўзаро англашув, ишонч ва ҳурматга асосланган давлатлараро амалий мулоқот бундан кейин ҳам мамлакатларимизни барқарор ривожлантириш ҳамда беларусь ва ўзбек халкларининг фаровонлиги йўлида мустаҳкамланиб бораверади», деб ишонч билдирган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз мактубида мустаҳкам дўстлик ришталари, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш, умумий манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигининг бугунги даражасини мамлакатимиз юксак қадрлашини таъкидлаган.

«Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ва кўп қиррали ҳамкорлигимизни кенгайтиришга бўлган ўзаро интилиш туфайли биз қисқа фурсатда аниқ натижаларга эришдик», дейилади мактубда.

«Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, уни аниқ амалий мазмун билан бойитиш учун олдимизда ҳамкорлигимизнинг мавжуд салоҳиятини тўлиқ ишга солишдек муҳим вазифа турибди, —деб қайд этган давлатимиз раҳбари. — Шу маънода, Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингизни интизорлик билан кутяпман. Бу бизга ўзаро муносабатларимизнинг барча жиҳатларини ҳар томонлама муҳокама қилиш, шунингдек, яқин йилларга мўлжалланган ҳамкорлигимизнинг истиқболли йўналиш ва лойиҳаларини белгилаб олиш имконини бериши шубҳасиз».

ЎзА

Президентимиз ҳалок бўлганларнинг оилаларига компенсация ажратиш тўғрисида топшириқ берди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига кўра, Қозоғистон Республикасининг Актюбинск вилояти Иргиз туманида «Самара — Чимкент» автомобил йўлида автобус ёниши оқибатида ҳалок бўлган 52 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароси оилаларининг барчасига бир марталик нафақа ажратилди, деб хабар беради Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари томонидан ҳалок бўлганларнинг оилаларига маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

ЎзА

Хуш келибсиз, афғонистонлик дўстлар!

Президентимиз ташаббуси билан Термиз туманида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.Маҳмудов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон Ислом Республикаси бўйича махсус вакили И.Эргашев, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов, Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг иқтисод ва инсон ресурслари бўйича катта маслаҳатчиси Ҳумоюн Қаюмий, Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг МДҲ давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича махсус вакили Муҳаммад Шокир Коргар, афғонистонлик талаба Рана Шержод ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон қўшни давлатдаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этиш, тинчликни таъминлаш, барқарорликни тиклаш, иқтисодиёт, таълим, фан, маданият ва бошқа соҳаларни ривожлантириш тарафдори бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, афғон халқининг ўз тақдирини мустақил, тинч йўл билан ҳал қилишига эришиш масаласини халқаро миқёсда кўтаргани бунинг ёркин ифодасидир.

3 ▸

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2017 – 2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

◂ 1

Фақат ўтган йилда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди, 400 дан ортиқ келишувларга эришилди, 60 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот якунлари ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтказилган ишларнинг танқидий таҳлили аҳоли фаровонлигининг реал ўсишига ва жойларда ишлар ҳолатининг тубдан яхшиланишига тўсқинлик қилувчи қатор муаммоларни кўрсатиб берди.

Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида – давлат хизматининг нуфузи ва самарадорлигини ошириш, ижро этувчи ҳокимият органлари вазифа ва тузилмасини қайта кўриб чиқиш, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг мустақиллигини ошириш, марказий органларнинг айрим ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш, давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини, уларнинг сифати ва тезкорлигини тубдан ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида – фуқаролар шахсий ҳаёти дахлсизлигининг конституциявий кафолатларини, шу жумладан, тинтув ва телефон орқали сўзлашувларни эшитиб туришга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича комиссияни ташкил этиш орқали янада мустаҳкамлаш, миллий хавфсизлик органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, вақтинча сақлаш, тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасаларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимларини мобиль видеокамералар билан таъминлаш, патруль хизматининг стационар постлари сонини оптималлаштириш;

иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида – фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия сохасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш;

ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳасида – ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соғлиғини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармоғини яратиш, аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини ошириш, «истеъмол саватчаси»ни аниқлаш, ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёсат соҳасида – Ўзбекистон Республикасининг янги Миллий хавфсизлик концепциясини қабул қилиш, хорижий шериклар билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тизимини такомиллаштириш, терроризм, экстремизм ва ахборот таҳдидларига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессияларо тотувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, хорижда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни давом эттириш, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш.

2. **Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга икки йил муддатга мораторий эълон қилинсин**, жиноят иши доирасида ва юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текширишлар бундан мустасно.

Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб:

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши давлат солиқ хизмати органларининг бўшаётган 228 та штат бирликларини прокуратура органларига ўтказган ҳолда тугатилади;

адлия органларининг кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир-бирини такрорловчи функция ва ваколатлари чиқариб ташланади;

жиноят ишлари доирасида ўтказиладиган молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) бир ойдан ошмаслиги лозим, алоҳида ҳолларда текшириш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан узайтирилиши мумкин;

тадбиркорлик фаолиятини юритишдаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жиноят ишларини қўзғатиш фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар, ўтказилган текширишлар ва мониторинг (асос, текшириш ёки мониторинг ўтказиш вақти, уларни ўтказган ходимлар ва бошқалар) ва аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотлар мажбурий тартибда прокуратура органларининг махсус электрон ахборот тизимига киритилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

инновацион ва илмий фаолиятни давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, шу жумладан, инновацион лойиҳаларни фоизсиз кредитлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни кредитлаш учун тижорат банкларига давлат кафолатларини беришни ҳам назарда тутувчи «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ва «Фан тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин;

маҳаллий лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг ташқи бозорларга чиқишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар, замонавий халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик норма ва қоидаларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, энергия тежамкор технологияларни фаол жорий этишни назарда тутиб, қурилиш соҳасини инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар, мониторинг ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги зарур ахборотларни доимий киритиб боришни назарда тутувчи махсус электрон ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги қонунбузилишлар ҳақидаги маълумотларни текшириш тартибини ишлаб чиқсин ва киритсин;

Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, қонунчилик нормаларини етказиш ва тушунтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича айбдор шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги принципи сўзсиз амалга оширилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти соҳасида, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик ижроси устидан назоратни кучайтирсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) қуйидагилар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташкари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинади:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар;

венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар;

илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюролари ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича;

янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон тижорат соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат дастурида белгиланган муддатларда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари – «Халқ қабулхоналари» замонавий биноларининг тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ қурилиши ва жиҳозланишини таъминласин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда электрон навбат ва давлат хизматини кўрсатишнинг боришини масофадан видеокузатиш тизимларини жорий этиш, олис аҳоли пунктларида мобиль давлат хизматлари марказларини ташкил қилиш, шунингдек, мобиль алоқа воситалари орқали давлат хизматлари кўрсатишни таъминласин.

10. Вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ, шунингдек, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинсин.

11. Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан назоратни, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чоракда тақдим этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб боришни таъминласин.

12. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлар:

энг аввало замонавий ишлаб чиқаришни жорий этишга мўлжалланган инновацион ғоялар ҳамда технологияларни, фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга;

ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши ва аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда фаровонлигини оширишга кўмаклашувчи фан ва инновацион фаолиятни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга;

илғор фикрлайдиган, ташаббускор ва масъулиятли ходимлар ҳамда фуқароларни ҳар томонлама амалий қўллаб-қувватлашга;

«Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт» деган қоидани рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Инновацион ривожлантириш вазирлиги «Тараққиёт стратегияси» маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тизимли мониторинг қилинишини ҳамда у ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун қўшимча чора-тадбирларни кўриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилишини;

Давлат дастури амалга оширилиши ҳақидаги маълумотларнинг ҳар ой умумлаштирилишини ҳамда унинг якунлари аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришлар кўрсатилган ҳолда ўзларининг веб-сайтларида жойлаштирилишини;

мониторинг натижалари ҳақида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий обзорларнинг чет тилларда тайёрланиши, нашр этилиши ва кенг тарқатилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ўзаро якин ҳамкорликда:

мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши ҳақидаги холис, тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

ушбу Фармоннинг мазмун ва моҳиятини, шунингдек, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган зарур маълумотларнинг халқаро жамоатчиликка тизимли етказилишини;

Давлат дастурини амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотларига илғор хорижий тажрибани ўрганишда ҳар томонлама кўмаклашишни таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 22 январ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига шарҳ

Кейинги бир йилда Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида кенг кўламли ижобий ўзгаришлар рўй берди, бунда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли манфаатларини амалда таъминлашга қаратилди.

«Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халкимизга хизмат қилиши керак», деган эзгу ғоялар Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишнинг асосини ташкил қилди.

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳа, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, вазмин ва амалий ташқи сиёсат юритишга қаратилган қатор аниқ ва амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қилинган ишларнинг танқидий таҳлили жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш ва ишлар аҳволини тубдан яхшилашга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг 2017 йил 22 декабр куни парламентга йўллаган тарихий Мурожаатномасида ҳам мавжуд ўткир муаммоларга эътибор қаратди, уларни ҳал этишнинг аниқ йўлларини таклиф қилди.

Шу муносабат билан Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 10-20 январ кунлари аҳоли ўртасида кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

Давлат дастури лойиҳасини муҳокама қилиш давомида фуқаролардан 4,4 мингта таклиф ва шарҳ келиб тушди, улардан Давлат дастурини такомиллаштиришда фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 январ куни қабул қилинган Фармони билан Давлат дастури тасдиқланиб, унинг асосий йўналишлари ва уни амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари белгиланди.

Фуқаролардан келиб тушган таклифларнинг аксариятида кўрсатилган долзарб муаммоларни ҳал қилишга оид алоҳида ҳуқуқий нормалар бевосита Фармоннинг ўзида кўрсатилган бўлиб, уларнинг ижросини дарҳол таъминлаш шарт экани белгиланди.

Фармон билан **тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича икки йил муддатга мораторий эълон қилинди. Эндиликда, Фармон эълон қилинган кундан бошлаб тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувларига вақт ва ресурс сарфламасдан ўз фаолиятини хотиржам амалга оширишлари мумкин.**

Яна бир муҳим янгилик – вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд турар жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга олишга оид тақиқ бекор қилинади. Ушбу норма фуқароларга мамлакатимизнинг исталган ҳудудида, айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ишга жойлашишда ҳеч қандай чекловларсиз ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради. Истиқболли кадрлар қаерда доимий ёки вақтинча прописка қилингани, турар жойи бўйича ҳисобда турганидан қатъи назар, пойтахт минтақасида меҳнат қила оладилар.

Ўз навбатида, иш берувчилар вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд турар жойи бўйича ҳисобдан ўтмаган фуқароларни ишга олганликлари учун жавобгарликдан озод этилади.

Давлат дастури 5 бўлимдан иборат. Давлат дастури доирасида 37 та қонун (Сайлов кодекси, «Давлат хизмати тўғрисида», «Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида», «Фан тўғрисида», «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш, 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52 та амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Давлат дастурининг биринчи бўлими давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга бағишланган.

Шубҳасиз, «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат, аввало, давлат идораларида хизматни ҳақиқатдан нуфузли фаолиятга айлантиради, давлат хизматчиларининг меҳнат ҳақи ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб тизим шакллантиради, юклатилган вазифаларнинг сифатли ижроси учун давлат хизматчиларининг жавобгарлигини оширади. Эндиликда **ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган лавозимга муносиб эканини ҳар куни исботлаши шарт.**

Давлат функциялари ва ваколатларининг амалдаги марказлашган тизимига барҳам берилади. Биринчидан, ҳукуматнинг алоҳида функциялари, айниқса, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги вазифалари вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказилади. Иккинчидан, тегишли ҳудудда давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун масъул мансабдор шахслар сифатида барча даражадаги ҳокимларнинг ваколатлари кенгайтирилади ва мавкеи мустаҳкамланади.

Бундан пировард мақсад – ҳокимлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишни амалда таъминлаш имконини берадиган реал ваколатларга эга бўлишига эришиш.

Фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг янги механизми сифатида **электрон жамоавий мурожаат қилиш – петиция** йўллаш тизими жорий қилинади. Ушбу тизим фуқароларга давлат ҳокимиятининг ваколлик органларига аниқ саволлар қўйиш имконини беради, ушбу органлар эса фуқароларнинг маълум сони томонидан маъқулланган мурожаатлар юзасидан чора кўриши шарт бўлади.

Мазкур механизм туфайли фаол фуқаролар ва жамоат ташкилотлари турли муаммолар ечими бўйича ташаббус кўрсатишлари мумкин. Шу орқали «Мамлакат ҳаётига алоқадор энг муҳим қарорлар бевосита мулоқот асосида қабул қилинади», деган тамойил амалда рўёбга чиқарилади.

Давлат дастурининг навбатдаги муҳим йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишдир.

2018-2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича концепцияни ишлаб чиқиш, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган. Жиноий ва маъмурий жавобгарликни либераллаштириш, процессуал нормаларни такомиллаштириш кўзда тутилган.

Дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтириш учун тинтув ва телефон сўзлашувларини эшитишга санкция бериш ваколати судга ўтказилади.

Инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида тергов изоляторлари ва жазони ижро этиш муассасалари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади.

Ички ишлар органлари йўл-патруль ва патруль-пост хизматларини улар фуқаролар билан муомала қилаётганда фойдаланиладиган видео-фиксаторлар билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, бу нафақат фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши, балки тинчлигимиз посбонлари томонидан ўз вазифасини суиистеъмол қилиши ҳолатларининг ҳам олдини олишга хизмат қилади.

Давлат дастурида прописка ва паспорт тизимини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискаси бўлмаган фуқаролар иккиламчи бозорда кўчмас мулк харид қилиш имкониятига эга бўлади.

Давлат дастурининг учинчи йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бағишланган.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор ғоялар, «смарт» технологиялар ва ноу-хауларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилмоқда.

Венчур фондлар, венчур молиялаштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар, шунингдек, иқтисодиётга инновациялар ва янги технологиялар жорий этишни рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилади.

2023 йилнинг 1 январига қадар венчур фондлар, юқори технологик стартап-лойиҳалар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновация марказлари ва лойиҳа-конструкторлик бюроларига ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотиш (фойдаланиш учун тақдим этиш)дан тушган даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари тақдим этилади.

Ер участкалари беришда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш мақсадида интернет тармоғида электрон савдолар ўтказишни жорий қилиш режалаштирилган. Давлат активларини **электрон савдо майдонлари** орқали сотиш тизимини яратиш кўзда тутилмоқда.

Банклар ва банк фаолиятига доир қонунчилик тубдан қайта кўриб чиқилиб, соҳада «рақамли банкинг», «интернет-банкинг» ва бошқа замонавий технологиялар татбиқ этилади.

Солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш ва оптималлаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқ ва божхона маъмурчилигини соддалаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Туризм соҳасини ривожлантириш, кириш туризми ва ички туризмни ривожлантиришни рағбатлантириш, сайёҳлар учун маъмурий ва виза билан боғлиқ тартиботларни соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат дастурининг кейинги бўлими ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишланган.

Аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича «истеъмол саватчаси»га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилган. Ҳудудлар кесимида «истеъмол саватчаси»ни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорини белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш мўлжалланмоқда.

Тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш ва тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш соҳасига **«ақлли тиббиёт»** тизими, инновацион технологияларни жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини арзон нархлардаги сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган **2 мингта ижтимоий дорихона** ташкил этиш режалаштирилган.

Аҳоли, айниқса, ёш оилаларнинг арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2018 йилда бундай уйларни қуриш ҳажми **1,5-2 баробар** оширилади. Бу мақсадлар учун **5 триллион 286 миллиард сўм** маблағ йўналтирилади.

Аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш учун чекка ҳудудларда **2000 километр оптик толали алоқа линиялари** тортиш, интернет тезлигини 2,5 баробар ошириш ва **4 мингдан зиёд мобил алоқа таянч станцияларини** ишга туширишни кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурининг бешинчи йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, вазмин, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш.

Хусусан, **хорижда яшаётган ва ишлаётган юртдошларимиз билан ҳамкорлик қилиш бўйича давлат сиёсати концепцияси** ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, бундай фуқароларни соғлом муҳитга қайтариш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Диний маърифат тизими қайта кўриб чиқилиб, бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлиги кучайтирилади.

Мухтасар айтганда, Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга 13,5 триллион сўм ва 1,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилади.

Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини амалда юксалтириш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

◂1

Маскан 6,2 гектар майдонни эгаллаган. Тўртта ётоқхона, амфитеатр, ошхона, сузиш ҳавзаси, спорт майдонлари, бошқа бино ва иншоотлар бунёд этилиб, зарур инвентарлар билан жиҳозланган. Болаларнинг мазмунли ва мароқли дам олиши, бўш вақтида турли тўгаракларда қатнашиб, билим ва салоҳиятини мустаҳкамлаши учун ҳар томонлама қулай шароит яратилган.

Оромгоҳга кираверишдаги ота-оналар фарзандлари билан учрашадиган бинода иккита фитобар, ахборот-ресурс маркази, маънавият ва маърифат хонаси, машғулот заллари мавжуд. Инглиз тили, тасвирий санъат, моҳир қўллар, компютер саводхонлиги каби ўн бешга яқин тўгаракда малакали мураббийлар машғулот олиб боради. Тиббиёт бўлимида болалар учун физиотерапевтик муолажалар, фитодаволаш хизматлари, жисмоний тарбия машклари ўтказиш ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари муассасада болаларнинг мароқли дам олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, овқатланиши ва яшаши учун яратилган шароитлар билан танишди.

Жорий йил март ойидан оромгоҳ йил давомида узлуксиз фаолият юрита бошлайди. Унга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан фан олимпиадалари, халқаро танлов ва спорт мусобақалари ғолиблари бўлган 5 — 11-синф ўқувчилари, ёзги таътилда эса минг нафар ўғил-қиз қабул қилинади.

Бугунги кунда оромгоҳ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тасарруфига ўтказилиб, уни халқаро ёшлар оромгоҳига айлантириш режалаштирилмоқда. Якин вақтлар ичида бу ерга кўшни мамлакатлар ва узоқ хориждан болалар келиши кутилмоқда. Бу борада Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Оромгоҳ ҳузурида умумтаълим мактаби барпо этилган. Мактаб негизида 125 ўринли 22-болалар мусиқа, санъат ва бахшичилик мактаби ҳам фаолият юритади. Ўқувчилар бу ерда бахшичилик ва ўзбек халқ чолғуларидан сабоқ олади. Дарс машғулотларини ўқитувчилар билан бирга, Ўзбекистон халқ бахшилари Шоберди Болтаев ва Абдуназар Поёнов билан мулоқот қилди.

Достончилик ва бахшичилик — миллий ғуруримиз. Унинг замиридаги эзгу кадриятларни халқимизга етказиш лозим. Бахшичилик мактаби халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналарини асрашга, уни ривожлантиришга, бахшиларнинг обрўсини кўтаришга хизмат қилиши керак. Жорий йил Наврўз байрами арафасида юртимиз бахшиларининг биринчи республика семинарини ташкил этамиз, уни ҳар йили муайян бир вилоятда ўтказишни йўлга қўямиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари «Мустақиллик бахшилари» китобини чикариш, Сурхондарё вилоятидаги болалар мусика ва санъат мактабларида ҳам ушбу санъат турини ўқитиш юзасидан топшириклар берди.

Шу ерда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Президентимиз 2017 йил 4-5 апрел кунлари Россия Федерациясига ташрифи чоғида ушбу мамлакат инвестиция компаниялари билан Бойсун туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги» газ конини ўзлаштириш, унинг негизида газни қайта ишлаш заводи ва газ-кимё мажмуаси қуриш бўйича маҳсулот тақсимотига оид битим имзоланган эди. Лойиха 2023 йилда ишга туширилиши режалаштирилган. Натижада, бу ерда йилига 4 миллиард кубометр газ қайта ишланиб, полимер маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти буюртмаси асосида ўтган йил охирида Тўполанг дарёсида тўғон қуриб битказилган эди. Айни пайтда бу ерда коммуникация ишлари амалга оширилмоқда. Тўғоннинг баландлиги 180 метр, йиғиладиган сув ҳажми 500 миллион кубометрни ташкил этади.

Тўғон ишга туширилиши билан Тўполанг дарёсининг юқори қисмида қурилган ГЭСда қўшимча 145 мегаваттли ғидротурбиналар ўрнатилиб, ГЭСнинг умумий қуввати 175 мегаваттга етказилади. Бундан ташқари, Тўполанг дарёси ўзанида Зарчоб каскад ГЭСлари қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Унинг қуввати 75,6 мегаватт соатни ташкил этади.

Учқизил сув омбори бўйидаги «Термиз марвариди» санаторийси ҳудудида 200 ўринли дам олиш ва кўнгилочар маскан бунёд этилмоқда. Мажмуа майдони 7,2 гектар. Бу ерда меҳмонхона, сузиш ҳавзалари, умумий овқатланиш шохобчалари, 3D кинотеатр, ўйин қурилмалари, мусиқали фавворалар ва бошқа объектлар қурилиши мўлжалланган. Сув омбори қирғоғида чўмилиш ҳудуди, қайиқлар бекати ташкил этилмоқда. Маскан 2018 йил 1 июнда фойдаланишга топширилади.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ, Термизда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент тиббиёт академияси филиаллари ташкил этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев мазкур филиалларни ўқув бинолари ва ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш масалаларига тўхталар экан, талабаларни қабул қилишда адолат мезонларига қатъий амал қилиш кераклигини таъкидлади. Талабаларни дарсдан ташқари амалиётга кенгроқ жалб этиш, улар билимини бевосита қўллай олиш кўникмасига эга бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Сурхондарё вилоятида кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиб чиқдик. Вилоят ёшларини шу ернинг ўзида ўқитиш лозим. Таълим сифатини ошириш учун Тошкент тиббиёт академияси ва унинг Термиз филиали ўртасида дарсларни онлайн режимда ўқитишни йўлга қўйиш керак. Таълимнинг бундай ноанъанавий усулида ҳам ўқитувчилар салоҳиятидан унумли фойдаланилади, ҳам фандаги илғор тажрибани ҳудудларга етказишга эришилади, деди Президентимиз.

Мамлакатимизда касалликлар профилактикасини замон талаблари асосида амалга ошириш, уларни самарали даволашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жойларда янги-янги шифохоналар очилмоқда. Соҳадаги ўзгаришларни изчил амалга ошириш, замонавий кадрларга бўлган талабни ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида филиалларни жорий йил 1 февралдан ишга туширишга тегишли кўрсатмалар берилди.

Президентимизнинг Сурхондарёга ташрифи доирасида вилоят иқтисодиётини янада юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга оид қатор истиқболли лойиҳалар белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари билан учрашиб, уларнинг ўй-фикрлари билан қизиқди, ҳаётий таклифларини эшитди, мавжуд муаммоларни қисқа муддатларда ҳал этиш юзасидан топшириқлар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Умар АСРОРОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Хуш келибсиз, афғонистонлик дўстлар!

◂1

Ўзбекистон кўмаги билан қўшни давлатда юқори волтли электр энергияси ва оптик толали кабел линиялари, сув таъминоти тармоғи, кўприклар барпо этилган. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Хайратондан Мозори Шарифгача темир йўл линияси қурган. Мамлакатимиз қўшни давлатда тоғ-кон саноати, қурилиш, энергетика, таълим соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётир.

Юртимиздан қўшни давлатга озиқ-овқат ва нефт маҳсулотлари, электр энергияси, минерал ўғитлар, транспорт воситалари экспорт қилинмоқда. Ўтган йили Термизда фойдаланишга топширилган «Termiz kargo» экспорт маркази ҳам мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари билан афғонистонлик ишбилармонларнинг ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга кенг имконият яратди.

Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг 2017 йил декабр ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида 20 дан ортиқ ҳужжат, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фукароларини ўқитиш таълим маркази ташкил этиш бўйича битим имзоланган эди. Шунга мувофиқ, қисқа вақтда мазкур марказ учун ажратилган бино тубдан реконструкция қилиниб, жаҳон андозаларига мос жиҳозланди.

— Бугун нафақат ёшлар, балки бутун Афғонистон халқи учун тарихий кун бўлди, — деди Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг МДҲ давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича махсус вакили Муҳаммад Шокир Коргар. — Давлатларимиз раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари халқларимиз ўртасида маълум муддат узилиб қолган анъаналарни қайта тиклади. Бобом бундан 110 йил илгари Бухорода мадрасада таҳсил олган. Бугун бу масканнинг тантанали очилиши Амир Темур, Алишер Навоий, Беруний сингари кўплаб улуғ зотларнинг руҳини шод этди. Афғонистонда 7 миллионга яқин ўзбек миллатига мансуб аҳоли яшайди. Термизда барпо этилган ушбу таълим муассасаси мактаб ва боғчаларимиздаги ўзбек тили мутахассисларига бўлган эҳтиёжни таъминлайди. Келгусида темир йўл, энергетика ва бошқа соҳаларда ҳам малакали мутахассислар тайёрлаб беради. Бундай улуғ ишнинг ташаббускори бўлган Президент Шавкат Мирзиёевдан бениҳоя миннатдормиз.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг бевосита ғояси асосида барпо этилган ушбу замонавий таълим муассасаси Афғонистоннинг иқтисодий-ижтимоий ва бошқа соҳалари учун олий ва ўрта махсус маълумотли малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади.

— Халқимизнинг «Ён қўшнинг — жон қўшнинг», деган ҳикматида чуқур маъно бор, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фукароларини ўқитиш таълим маркази директори вазифасини бажарувчи Ойбек Рўзиев. — Азалдан яқин қўшни бўлиб келган давлатнинг ўғил-қизларига Ўзбекистон таълим тизимида қабул қилинган нормалар асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган ўқув режаси ва дастурларга мувофиқ икки йиллик, тўрт ва олти ойлик кундузги таълим шакли бўйича сабоқ берилади. Ўз мутахассислиги бўйича дастурни муваффақиятли ўзлаштирган талабаларга давлат намунасидаги тегишли ҳужжат топширилади. Бунинг учун бу ерда барча шароит яратилган.

Янги ўқув марказида Афғонистон томони эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 17 олий ва 16 ўрта махсус, касб-ҳунар таълим йўналиши ўқув режаларининг модуллаштирилган шакли ишлаб чиқилган. Қўшни давлатнинг илмга чанқоқ ёшларига ўзлари танлаган касб сирларини чуқур ўргатиш учун мамлакатимиз олий таълим муассасаларидан энг малакали профессор-ўқитувчилар жалб этилган. Шунингдек, олий таълим муассасалари корпоратив тармоғи орқали «Электрон таълим тармоғи»га уланиб, Ўзбекистоннинг исталган олий таълим муассасаси етук олим ва мутахассислари томонидан видеоконференция орқали масофадан туриб машғулот ўтказиш имконияти мавжуд.

— Қўшни давлат фарзандларининг ўзбек тили ва адабиёти бўйича зарур билим олиши ва соҳа сирларини пухта эгаллашига алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти Мардон Раҳматов. — Дарсларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўтишимиз таълим сифати ва самарадорлигини таъминлайди. Жорий ўқув йилининг дастлабки семестри учун ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича дарс жадвали ўзбек ҳамда дари тилларида тайёрланди.

Таълим марказининг илк талабалари ўзбек тили ва адабиёти йўналишига қабул қилинди. Улар икки йил давомида соҳа бўйича етук мутахассис бўлиб етишади.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг бошқа соҳаларимиз қатори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига қараган бу эътиборини юксак қадрлаймиз, — дейди Афғонистон тижорат ва саноат вазирлиги масъул ходими Мусофир Қўқондий. — Афғонистонда ўзбек тили учинчи давлат тили саналади. Бироқ, бу тилдан сабоқ берадиган мутахассислар жуда кам. Афғонистоннинг турли ҳудудларидаги ана шу талабни эътиборга олиб, келажакда мураббий бўлишни кўнглига туккан 100 га яқин ўғил-қиз ушбу марказда ўқишга жалб этилди. Айни пайтда дунёнинг бир қатор давлатларида минглаб афғон ёшлари таълим олиб, касб ўрганмоқда. Лекин, афғон ўғил-қизлари учун бирорта мамлакатда Ўзбекистондаги каби муҳташам махсус таълим муассасаси йўқ. Бунинг учун Ўзбекистон раҳбариятига чуқур миннатдорлик билдирамиз.

Марказнинг кўп қаватли муҳташам ўқув биноси, 110 ўринга мўлжалланган талабалар ётоқхонаси, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ва спорт майдончалари, ошхона афғонистонлик талабалар учун хизмат қилади. Бинода кимё ва физика каби фанларни чуқур ўзлаштириш, темир йўл транспорти тизимини пухта ўрганиш учун лингафон хоналари, лабораториялар ташкил этилган. Маиший, савдо ва бошқа хизматлар кўрсатадиган шохобчалар мавжуд. Ахборот-ресурс маркази иқтисодий-техник ва ижтимоий-гуманитар йўналишлардаги фанлар бўйича етарли ўқув ва ёрдамчи дарсликлар, бадиий ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар, Ўзбекистонда ишланган 50 дан ортиқ бадиий ва ҳужжатли филмлар, аудиотўпламлар дисклари билан тўлдирилган. Электрон кутубхона тизимига лотин алифбосидаги 700 дан зиёд электрон адабиёт жойлаштирилган. Иккита инфокиоск ўрнатилиб, ўзбек ва дари тилларидаги Ўзбекистон рамзлари, маданий мерос, арбоблар, ифтихорларимиз, галерея бўлимларидан иборат дастурий таъминот ишлаб чиқилган.

— Мен бундай тинч-осуда юртга ўз она тилим бўйича мутахассис бўлиб камолга етиш орзусида келганимдан фахрланаман, — дейди Фарёб вилояти Майманак шаҳридан Жамшид Шерзод. — Бу юрт Амир Темур, Беруний, Ибн Сино, Бобур каби буюк аждодларимизни камолга етказган. Бизни аэропортда тенгдошларимиз гуллар билан самимий кутиб олганидан жуда-жуда қувондик. Қадимий шаҳарни мириқиб томоша қилдик. Улуғ бобомиз Ҳаким ат-Термизий мажмуасини зиёрат қилиб, маънавий қувват олдик. Экспонатга бой Археология музейи билан танишиб, қадимий бу юртнинг ривожланиш босқичлари ва халқнинг турмуш тарзи билан танишишга муяссар бўлдик. Қизиқарли концерт дастурини мириқиб томоша қилдик. Ўйнаб, кулдик. Бу ерда яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, келгусида шундай улуғ аждодларга муносиб ворис бўлишга интиламиз.

Дарвоқе, аввал хабар қилинганидек, 21 январ куни Термиз халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фукароларини ўқитиш таълим маркази қалдирғочларини давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, талаба-ёшлар карнай-сурнай садолари остида тантанали кутиб олди. Афғонистонлик ёшлар бу ерда Термиз давлат университети талабалари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари билан илк марта учрашаётган бўлса-да, гўё эски қадрдонлардек аэропортнинг ўзида жуда тез тил топишди, дўстлашиб олди. Икки давлат ўғил-қизларининг дилдан суҳбат қуриб, фикр алмашгани барчада катта таассурот қолдирди.

— Биз бир дарёнинг икки қирғоғида яшаб келаётган яқин қўшнилармиз, — дейди Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳридан Рухшона Ҳакимий. — Ўзбекистоннинг биз, афғонистонлик ёшларга маърифат улашиш ва касб ўргатиш борасидаги эзгу қадамларидан ота-оналаримиз ҳам ғоят хурсанд. Бизни кузатишар экан, Ўзбекистондаги тинчликнинг, тўкинликнинг абадий бўлиши ва бундан-да ривожланишини тилаб, дуо қилишди. Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганмиз. Бугун гўзал бу юртнинг мукаддас тупроғига бегубор орзулар билан қадам қўйдик. Тайёрамиз юртингизга қўниши биланок, ўзбекистонлик ўғил-қизларнинг бизни қучоқ очиб кутиб олганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Улар билан дўстлашиб олдик. Бу юртдаги тинч ва осуда ҳаётга, тенгдошларимиз эришаётган ютуқларга ҳавасимиз келди.

Салобатли марказ икки давлат ёшлари ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқаларини боғлашда янги саҳифа очди. Бу сурхондарёлик ўғил-қизларда ўз юртидан фахрланиш туйғуларини жўштирди.

— Бугун афғонистонлик қизлар билан яқиндан танишдик, дугоналаримиз сафи кенгайди, — дейди Термиз тиббиёт коллежи ўқувчиси Севара Самадова. — Уларнинг гўзал диёримиз, осойишта, мусаффо осмонимиз ҳақидаги илк таассуротларидан қувондик. Афғонистондаги ҳаёт ва қизларнинг турмуш тарзи тўғрисида гурунглашдик. Эсдалик учун суратга тушдик. Ангор туманиданман. Дугоналаримга маҳалламиз ёшлари ва коллежда таҳсил олаётган тенгдошларим ҳақида гапириб бердим. Биз, Ўзбекистон ёшлари шундай обод, озод мамлакатда яшаётганимиз ва ён қўшниларимиз билан дўстлик алоқаларимиз янги босқичда ривожланаётганидан фахрланамиз.

Келгусида марказни янада кенгайтириш, ёзги ошхона ва новвойхона, ҳаммом ва кир ювиш биносини янгидан қуриш режалаштирилган. 300 ўринли қўшимча ётоқхона барпо этиш мўлжалланган. Ўқув ишлаб чиқариш устахонаси реконструкция қилиниб, янги бино қурилади. Афғонистонлик талаба-ёшларнинг ўқиши, касб ўрганиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун қўшимча шароитлар яратилади.

Тантанали тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.Маҳмудов ҳамда Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг иқтисод ва инсон ресурслари бўйича катта маслаҳатчиси Ҳумоюн Қаюмий янги таълим марказининг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик

Феруза ишга қайтди

Фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро суди Феруза Умаровани ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Адолатни тиклаш жараёнида касаба уюшмасининг ҳам ҳиссаси қўшилди.

Феруза Умарова билан «Норин Ботлерс» МЧЖ ўртасида 2015 йил 1 май куни меҳнат шартномаси тузилади. Унга кўра, Ф.Умарова ишчи вазифасига ишга қабул қилиниб, 1 ойлик синов муддати белгиланади. Синов муддати тугагач, фаолиятини давом эттираверади. Ўтган вақт оралиғида унга нисбатан ҳеч қандай огоҳлантириш берилмаган, интизомий чора қўлланилмаган. Бирок 2017 йил 30 сентябр кунидан «Ўзбекистон Республикасининг 100-моддаси 4-бандига асосан Ф.Умарова билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин» деб МЧЖнинг буйруғи расмийлаштирилади.

Бирок бу пайтда ходим даволанаётганди. Аникроғи, 19 сентябрдан 2 октябрга қадар вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврида бўлиб, даволаниш давом этаётганлиги туфайли иш жараёнида қатнашмаётган эди. Меҳнат кодексининг 100-моддаси 3-қисмида ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, деб қайд этилган талаби бузилган. Фақат шугина эмас. Ф.Умарованинг меҳнат дафтарчасига «Меҳнат кодексининг 100-моддаси 4-бандига асосан бекор қилинсин» деган ёзув киритилиб, «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тўғрисида»ги Йўриқнома талаби бузилган. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 174-моддаси талабига асосан ички меҳнат тартиби қоидалари тасдиқланмаган. Мазкур кодекснинг 174-моддасида корхонада меҳнат тартиби иш берувчи, касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади, деб қайд этилган.

Касаба уюшмасининг ушбу далиллари суд жараёнида ўз асосини топди ва ходимнинг ҳуқуқлари тўлиғича тикланди.

Баҳром РАҲИМБЕРДИЕВ,
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

Учрашув

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Президентимизнинг «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишламайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармони, унинг мазмун-моҳиятини касаба уюшма фаоллари ва аъзоларига етказиш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

ФАОЛЛАР ҲУЗУРИДА

Унда Ўзбекистон нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти Улуғбек Газиев мазкур Фармонни шарҳлаб берди. Узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли дам олишини таъминлаш юзасидан касаба уюшма ташкилотлари олдидаги масъулият ва вазифаларга атрофлича тўхтаб ўтилди.

Бундан ташқари, У.Газиев «Авф этишнинг амнистиядан фаркли жиҳатлари нима?» мавзусида маъруза қилди.

Маълумки, Президентимиз 2017 йил 29 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумларни авф этиш ҳақидаги материалларни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишни имзоланди. Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида 2700 нафар маҳкумни, жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар турли шароитлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасасида ижобий тавсифланган шахсларни авф этиш тўғрисидаги Фармон эълон қилинди.

Авф этишнинг моҳиятида инсонпарварлик, кечиримлилик, бағрикенглик каби тушунчалар ётади. Шу тариқа Президентимиз адашган шахсларга яна бир бор тўғри йўлга қайтишга имкон берди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама

Аукцион савдолари хабарномаси!

«BEST LINE REALTOR» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2018 йил 22 феврал куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 52-уй манзилида ўтказиладиган аукцион савдоларга Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар хўжалик судининг 11.11.2016 йилдаги 10-1621/23750-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «OBEN SERVIS» МЧЖ кредиторларининг 15.01.2018 йилдаги 6-сонли йиғилиш баённомасига ва тугатиш бошқарувчисининг 19.01.2018 йилдаги 53-ЖС-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги Тошкент вилояти Охангарон тумани, «Дўстлик» ҚФЙ, «Шодмалик МФЙ манзилида жойлашган умумий ер майдони 1000,0 кв.метр, қурилиш ости ер майдони 421,47 кв.метр, фойдаланиш майдони 538,43 кв.метрдан иборат қурилиши тугалланмаган Маъмурий бино қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 151 269 000 (бир юз эллик бир миллион икки юз олтмиш тўккиз минг) сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Савдо ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик, шанба ва якшанба дам олиш куни).

Буюртманомаларни қабул қилиш охирги муддати: 2018 йил 21 феврал куни 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси голибига 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пуллари тўлангандан сўнг савдода иштирок этиш учун буюртманома топширишлари лозим.

- жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, буюртмани ваколатли вакил топширганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ёки қонуний вакиллигини тасдиқловчи ҳужжат, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

- юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, буюртмани ваколатли вакил топширганда унинг тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

Тақдим қилинган ҳужжатларнин барча варақлари талабгорнинг имзоси билан (жисмоний шахслар учун) ҳамда талабгорнинг имзоси ва муҳри билан (юридик шахслар учун) тасдиқланиши шарт.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «BEST LINE REALTOR» масъулияти чекланган жамиятининг х/р: 20208000300692478001, АТБ «InFinBANK» банк Тошкент шаҳар, Шайхантоҳур тумани филиали МФО: 01141, СТИР: 304421042, ОКОНХ: 83100.

Буюртманомалар кабул қилиш, қўшимча маълумотлар билан танишиш ва савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 52-уй.

Тел: (+99898) 115-71-97, E-mail: best-line-realtor@mail.ru, Веб сайт: www.blr.uz

Лицензия: RR-0274

Туризм — тараққиёт босқичида

Бухоро — Шарқ гавҳари

Чиндан-да Бухоро Шарқ гавҳари сифатида дунёни ўзига жалб қилаётир. Йилдан-йилга сайёҳлар оқимининг ортиб бориши ҳам бежиз эмас. Туризм салоҳиятини янада ошириш, хорижий сайёҳларнинг мамлакатимизда бўлиши учун зарур инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, чет мамлакатларда Ўзбекистонда туризм йўналишларини оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Республика Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Камол САЛОМОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, 2016-2017 йиллар мобайнида мамлакатимизда туризм янада равнақ топди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан «Ўзбектуризм» миллий компанияси негизида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди ва унинг мақсад, вазифалари ва Низоми тасдиқланди. Шунингдек, қўмитанинг вилоят ҳудудий бошқармасига асос солинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида ҳудудда туризмни янада ривожлантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида бир қатор топшириқлар берилди. 2017 йил 19 майда «2017 — 2019 йилларда Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳри туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор имзоланди. Шу асосда туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш Дастурида кўзда тутилган ҳар бир тадбирни босқичма-босқич амалга ошириш «Йўл хариталари» ишлаб чиқилди. Унга кўра:

— ҳудудида хорижий сайёҳларнинг бўш вақтларини туну-кун мазмунли ташкил этиш учун 12 гектарлик «Қадимий Бухоро» туристик зонаси, унинг ҳудудида замонавий паст қаватли меҳмонхоналар, савдо-кўнгилочар марказлар, 500 ўринли амфитеатр барпо этилиши, шаҳарнинг тарихий қисмида ёпиқ бозор ва ҳунармандлар маҳалласи ташкил этилиши, «Бухоро Палас» ва «Зарафшон» меҳмонхоналари қайта қурилиши ва 11 та янги меҳмонхона (шундан 2 таси тўрт юлдузли) барпо этилиши;

— «Етти пир» зиёратгоҳлари мажмуасида Миллий усулдаги меҳмонхона, умумий овқатланиш пунктлари, зарурий ёрдамчи бино-иншоотлар, сувенирлар сотилиши учун савдо ҳудудлари қурилиши;

— 5 та замонавий ресторанлар қурилиб, 6 та объектда туристларнинг кечки вақт дам олиши учун театрлаштирилган концертлар ва мусиқали шоулар ташкил этилиши;

— туризм намойиш объектларига олиб борувчи автомобил йўллари қурилади ва қайта таъмирланиши;

— шаҳар марказида совға ва сувенирга ихтисослашган дўконлар тармоғи жойлаштирилган янги «савдо» кўчаси барпо этилади, туризм инфратузилма объектларида банкомат ва терминаллар ўрнатилиши;

— «Ипак ва зираворлар», «Қовун сайли», «Шаҳар куни», «Шарқ таомлари», «Бухоро ҳунармандлари» фестиваллари ўтказилиши;

— янги туристик йўналишлар ташкил этилиши белгиланган. Жумладан, Шофиркон туманидаги «Оғутма» кўли атрофида туризм инфратузилмаси ривожлантирилади. «Жайрон» экология марказининг «Ташриф маркази» капитал таъмирланади ва унинг атрофида зоология боғи барпо этилади. Пешку туманидаги «Қорақир» кўлида ов, пляж ва спорт туризми билан шуғулланиш учун шароитлар яратилади. «Афшона» музейи атрофида ихтисослаштирилган уй-шифохоналар қурилиши амалга оширилади.

Дастур доирасида вилоятда 184 ўринга эга 12 та янги замонавий меҳмонхона ишга туширилиб, уларда 62 та янги иш ўрни ташкил этилди. Меҳмонхоналар 114 та ва туристик фирмалар 35 тага етди. Эндиликда меҳмонхоналар бир кунда 4000 дан ортиқ меҳмонларга халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлди.



Вилоятимиздаги «Етти пир» туристик маршрути бўйича туристлар оқимини янада ошириш мақсадида Абдулхолиқ Ғиждувоний, Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий, Маҳмуд Анжир-Фағнавий, Азизон, Муҳаммад Бобои Самосий, Саййид Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларида хорижий ва маҳаллий сайёҳларга қўшимча шароитлар яратилиб, туристик ташкилотлар орқали хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳларни кенг жалб қилиш бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳудуд туристик салоҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали дунёга



намойиш этиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида «National Geographic» ва «Euronews» телекомпаниялари вакилларининг ташрифи дастурига асосан Бухоро вилоятининг туристик салоҳиятини кўрсатувчи видеороликлар тайёрланди. Шунингдек, Бухоро брендини тарғиб қилиш мақсадида «WELCOME TO BUKHARA» туризм реклама ролиги тасвирга олинди.

26-28 май кунлари Бухоро шаҳридаги ўтказилган XVI халқаро «Ипак ва зираворлар» фестивали ҳамда «Бухоро туристик эркин иқтисодий ҳудудини яратиш имкониятлари ва ривожланиш истиқболлари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, катор хорижлик олимлар иштирок этишди.

Мазкур дастурнинг транспорт хизматини яхшилаш, шу жумладан, авиа ва темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш бўлимидаги асосий бандларидан бўлган А-380 автомагистралининг Бухоро-Қарши йўналишидаги Аму-Бухоро канали устидан ўтувчи кўприкнинг замон талабларига мос қайта қурилиши маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун катта қулайлик бўлди.

Бугун кунда Бухорога дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларидан, хусусан, Франция, Германия, Италия, Россия, Япония, Испания, Туркия, Буюк Британия, АҚШ, Жанубий Корея, Швейцария, Хитой, Малайзия, Австрия каби давлатлардан сайёҳлар ташриф буюришмоқда. Агар кўрсаткичларни Мустақилликнинг дастлабки йиллари билан солиштирсак, келаётган сайёҳларнинг сони ва ялпи кўрсатилаётган хизматлар ўн баробарга кўпайган.

Йилдан-йилга вилоят туризм инфраструктураси, айниқса, транспорт инфратузилмасининг ривожланиши сайёҳлар оқимининг ортишига сабаб бўлаяпти. Бунга мисол қилиб, Бухоро халқаро аэропорти ва Бухорога «Афросиёб» тезюрар поездининг йўлга қўйилишини айтишимиз мумкин. Илгари Бухоро аэропорти йирик халқаро самолётларни қабул қила олмасди. Бухоро халқаро аэропорти қурилгангандан кейин барча турдаги самолётларни ва юқори мартабали меҳмонларни қабул қилиш имкони юзага келди.

Худди шу мисолни темир йўл мисолида ҳам айтишимиз мумкин. Мукаддам Тошкентдан Бухорога келиш учун 10 соат вақт сарфланарди. Ҳозир эса «Афросиёб» тезюрар поезди йўлга қўйилгандан кейин бу вақт бор йўғи 3 соат 20 дақиқани ташкил қилаётир.

Шубҳа йўқки, туризм салоҳиятини оширишга бўлган жиддий эътибор имкониятлар эшигини янада кенгроқ очади.

«Ishonch» мухбири
Иззатулла ҲОЖИЕВ
ёзиб олди.

Ёнғин хавфсизлиги

Тошкент шаҳрида аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича соҳа ходимлари томонидан учрашувлар ташкил этилиб, юз бераётган ёнғинлар сабаби чуқур таҳлил қилинмоқда.

Олдини олган афзал

Аҳоли турар жойларида ўт чиқишининг олдини олиш асосий йўналиш сифатида белгиланган. Негаки, ёнғинларнинг 90 фоиздан ортиғи хонадонларда содир бўлиб, асосан эҳтиётсизлик натижасида рўй бермоқда.

Ёнғинлар профилактикаси кунида туман ва шаҳар ЁХБлари томонидан маҳалла гузарларида фуқаролар, мактабларда ўқитувчилар, шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларда ишчи-хизматчилар ўртасида тадбирлар ташкил этилмоқда. Мактабларда ўқувчиларга ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва болаларнинг гугурт билан ўйнаши, ўзбошимчалик билан газ ва электр асбобларидан фойдаланишнинг салбий оқибатлари акс эттирилган видеолавҳалар намойиш қилиняпти.

Тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки барча-барчанинг ишидир. «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шиор ҳар бир фуқаро, оила, корхона, муассасага таллуқли. Шундай экан, аҳолининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ш.САИДҒАНИЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори

Реклама ва эълонлар

БИЛДИРИШНОМА!

«Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ марказий идора ҳисоб-рақами ўзгарганлигини маълум қиламиз

«Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ марказий идораси томонидан ташкил этилган оммавий савдоларда турган мулкларга қизиқиш билдирган талабгорларга ҳамда жамият ҳамкорларига банкдаги ҳисоб рақам ўзгарганлигини маълум қиламиз: ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиали, МФО – 01121, х/р: 22604000204920609001, СТИР – 207122519.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1- «А» уй. Тел: (0371)228-84-48, 228-80-24. www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

Маънавият соати

Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида «Китоб — доно муаллим» мавзусида «Маънавият соати» ўтказилди.

Китоб — доно муаллим

Тадбирда китоб яратувчанлик, ақл-идроқ, илму донишнинг асоси ва ҳаётни ўргатувчи мураббий эканлиги таъкидланди. Ўқувчиларнинг китобга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида ташкил этилган «Энг кўп ўқиган китобхон», «Энг зийрак китобхон«, «Мен ёктирган қаҳрамон» танловлари барчага манзур бўлди. Тадбир доирасида ўқувчи-ёшлар қизиқарли викторинада ҳам иштирок этиб, адабиёт оламига саёҳат қилишди. Шунингдек, китоб графикаси ва миниатюра жанрида ижод қилаётган ёш рассомлар кўргазмаси уюштирилди. Китобхонлик маданиятини тарғиб этишга бағишланган видеолавҳалар ҳам эътибордан четда колмади.

Зайниддин ЎРИНБОЕВ,
РИМСАЛ ўқитувчиси

Реклама ўрнида

KO'CHMAS MULK FINANS INVEST»
масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этиладиган тўғридан-тўғри савдолар хабарномаси!

1. Сотувчи: «SOUND-MEAL TASTE» масъулияти чекланган жамияти.

1.1. Савдо объекти: Қурилиши тугалланмаган 2 қавтли Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси.

Манзили: Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели ва Мехригиё кўчалари кесишуви, 116-уй.

Бошланғич баҳоси: 3 883 053 743 (Уч миллиард саккиз юз саксон уч миллион эллик уч минг етти юз қирқ уч) сўм.

Тавсифи:

Умумий майдони 3000,0 (кв. метр), **қурилиш майдони** 1340,0 (кв. метр), **фойдали майдони** - (кв.метр)

2. Савдо ўтказиладиган санаси, вақти: 2018 йил 24 январ кунидан 2018 йил 23 феврал кунига қадар ҳафтанинг ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 09.00 дан 17.00 га қадар.

3. Савдо шартлари:

I. Тўғридан-тўғри савдоларида объектни сотиб олиш бўйича савдо ташкилотчисига мурожаат қилиб, шартнома-буюртма расмийлаштирган шахс билан келишув баённомаси тузилиб, баённомага асосан, олди-сотди шартномаси тузилади.

II. Объект учун тўловларни тўлаш муддати ва шакли олди-сотди шартномасида белгиланади.

4. Савдо ташкилотчиси: «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» MChJ.

Манзил: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй. 7-қават, 703-хона. **Лицензия: RR- 0297.**

Интернетдаги манзилимиз: kmfi_auksion@mail.ru.

Тел: (0-371) 233-21-18.

Хизматлар лицензияланган.

«SURXONDARYO UNIVERSAL MULK SAVDO» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган чиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«Surxondaryo universal mulk savdo» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосида қуйидаги автомототранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

1. Сурхондарё вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси томонидан савдога чиқарилган, 2005 йилда и/ч, ГБАСНГ «Нексия» русумли, 75/937 GAA давлат белгили автомашина. Бошланғич баҳоси — 17 989 000 сўм.

2. Термиз шаҳар Алпомиш-Термиз МЧЖ томонидан савдога чиқарилган, 2004 йилда и/ч, «Нексия» русумли, 75/180 QAA давлат белгили автомашина. Бошланғич баҳоси — 4 500 000 сўм.

Аукцион савдоси Термиз шаҳар, Бахт кўчаси 3/45-уй манзилида 2017 йилнинг 21,22 феврал кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар «Surxondaryo universal mulk savdo» МЧЖ билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ЧЭКИ «Ҳамкорбанк»даги х/р: 20208000400426628001, МФО:01001, ИНН:303172243 га сотилаётган молмулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Мазкур автотранспорт воситаси ушбу савдода сотилмай қолганда такрорий савдолар 9 март куни соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳар, Бахт кўчаси 3/45-уй. Тел: 0-376-224-36-76.

Хизматлар лицензияланган.

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши касаба уюшмалари фахрийси

Ўктам АКРОМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси «Молия ва кредит» кафедраси мудири, доцент Шаҳло Абдуллаевага онаси

Шарифа КАРИЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin RIXSIYEV

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Elektron nashr va AKT — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. **Korxona manzili:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Tahririyat hisob raqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKONX: 87100

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Toshev
Navbatchi:
J. Ergashev
Musahhih:
S. Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 03:20
Topshirildi — 03:30
1 2 3 4 5
Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma **A — 109.**
31839 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133